

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT HOKIMLIGI
FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI



**DAVLAT TILI O'QITISHNING
DOLZARB MASALALARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMAN
MATERIALLARI


TO'PLAMI

FARG'ONA – 2020

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**FARG‘ONA VILOYAT HOKIMLIGI
FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI**

**DAVLAT TILI O‘QITISHNING
DOLZARB MASALALARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR
XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN MATERIALLARI
TO‘PLAMI**



FARG‘ONA – 2020

Davlat tili o‘qitishning dolzarb masalalari: muammo va yechimlar

Актуальные вопросы преподавание Государственного языка:
проблемы и решения

“Actual issues of teaching the state language: Problems and
solutions”

**ДАВЛАТ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами
2020 йил 20 октябрь**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги
“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеининг тубдан
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармонда
белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти
хокимлиги ҳамда Фарғона давлат университети филология факультети
хамкорлигидаги халқаро анжуман материаллари**

Фарғона – 2020

there is a connection. It is natural that the mystical poet, whose essence is Islam, the Qur'an and the hadiths, is often referred to Arabic words. Most importantly, in the poetry of the poet, we can say that the Arabic words have fulfilled their enlightenment function, as well as the status of an element of artistic image.

List of used literature

1. Slave Ubaydi. Vafo is short (samples from the Turkish devon). - T.: Writer, 1994. - B. 22.
2. Love book. The Rubaiyat. - T.: 2000.
3. Love songs. The Rubaiyat. - T., 2004.
4. Abdullaev M. Ubaydi's life and literary activity. AR. T.: 2000.
5. Adizova I. History of Uzbek classical literature (first half of the XVI-XIX centuries). T.: Fan, 2009. –B.248.
6. Fitrat Abdurauf. Investigations on Yassavi School Poets // Who was Yassavi? T.: A.Qodiriy People's Heritage Publishing House, 1994. - P.6

ҚИССАЧИЛИКДАГИ ПОЭТИК ИЗЛАНИШЛАР

У.Расулова

доцент, ТошДЎТАУ

Ижодкорнинг бадий тил воситасида образ, портрет, характер, пейзаж яратиш, мохиятни ёритишда зарур сўз ва ибораларни қўллай билиши, киши тасавурида конкрет воқеа-ходисани гавдалантира олиши муҳим аҳамият касб этади.

“Ҳар бир ёзувчининг услуби, – деб ёзади А. Блок, – унинг қалбида нима борлигига шу даража чамбарчас боғлиқки, тажрибали киши автор қалбини унинг услубидан билиши, шаклни ўрганиши орқали мазмуннинг энг теран маъзига кириб бориши мумкин”.

Муаллифнинг таланти тилни пухта билиши, бадий тўйинтирилган сўзларни ўрнида қўллай олиши, турли тасвирий воситалар орқали жонли, образли ифодалар яратиб, мантикий изчил, асосли хулосалар чиқариши, аниқ лўнда фикрни баён қилишида намоён бўлади.

Ижодкорлар сўздан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланади. Сикик жумлалар қатига кенг маъно қўламини сингдириб юборади. Асарлар тахлилида тифиз, аммо теран ифода, мантикий-изчил тасвир, фалсафий-эстетик қарашлар кўзга ташланади.

Санъаткор сўз воситасида нафақат инсон зоҳири-ю ботини, балки миллий қиёфа, ўзликни бус-бутун, асосли, мантикий фикрлар билан талқин этади. Абдулла Қодирий “Обид кетмон” қиссасида муболағавий тасвир учрайди:

“Хатиб домла Мулла Обиднинг кучоғидаги кўрилмаган даражада зўрайиб кетган кизил уруғ қовунларга ва уларнинг узокдан кўриниб турган қоп-қора қуоқ палакларига қараб ҳайрон қолади”.

Фольклор адабиётнинг қисса, афсона мотивига муштараклик, халқ тасавуридаги нарсанинг ҳажми, рангининг инобатга олиниши, қовун детали орқали Обид миришкорлигига нисбат берилади. Ҳосил даражасини бўрттириш меҳнатга иштиёқни уйғотибгина қолмай, образлар дунёқараши борасидаги тасавурни тўлдиради. Мазкур тасвир усули замонавий қиссаларда халқ қиссаларига хос лавҳалар ҳам қоришиқ қўлланишини кўрсатади.

Ойбекнинг “Болалик” қиссасида сифатлаш санъати эътиборни тортади:

Ҳаво ёқимли. Ғир-ғир майин баҳор шамоли...Қуёш осмонда улуғвор кезади.

Табиат нафосати, кўкламдаги тароват ҳаво, шамол, қуёш уйғунлигида тақдим этилади. Уйғониш палласидаги замин ходисоти самовий кенгликка қадар қамраб олинади. Қаҳрамон бола фитратидаги беғуборлик ҳам баҳор насимидай ёқимли бўлиб, киши умрининг ҳайрат палласи кузатилади.

Ғафур Ғулом “Шум бола” асарида қуш турлари, гул навлари борасидаги тасвирлар эстетик завқни оширади.

“Уларнинг уйидаги гулларни-ку сон саноғи йўқ: гулбеор, гулраёно, гулсафсар, гулҳамишабаҳор, кўкконгул, қалампиргул, намозшомгул, самбитгул, атиргул, картошкагул, қашқаргул-ишқилиб санаб тугатиб бўлмайди”..

Мазкур манзара бола нигоҳи орқали берилади. Муаллиф икки хусусият: ўзбек кишиси табиатида гулга ошиқлик ҳамда бефарзанд амма гулларга меҳр улашиб, ўзига таскин беришини кўрсатади. Қушлар нағмаси ва гуллар ифори киши сезимларига завқ бағишлайди. Ифодадаги уюшиқ эга ички оҳангни юзага келтиради.

“Жума куни, кўйлар маъраган, туялар бўкирган, отлар кишнаган, бозорчилар сўкишган, толе осмонини бозорнинг чанги қоплаган, даллолларнинг билаклари “бор барака топ”да чарчаган”.

Мазкур тасвирда сажъ санъати қўлланган бўлиб, бозор маконига оид манзарани таъсирли ифодалаган. Турли сасу ҳайкирик жонли, табиий жараёни тасвирлашга хизмат қилган. Тириклик уйига менгзалган бозорда инсонун жонзот яшаш учун курашиб, толеига битилган насибага ошиқади. Вақт (жума) ва макон (бозор) конкрет берилиб, ҳар бир нарса, кимса ҳолати лўнда ифодаланган.

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида ифода усулларининг турфалиги ҳиссий идрок қувватини оширган. Бадиий образ моҳиятини англатишда психологик, эстетик хусусиятлар далилланган.

“Майин шамол эсар, ўрик гуллари унсиз тўкилар, дарахтзор остида майсалар оҳиста тебранар, аммо бутун табиат бир зум унсиз бўлиб қолган, ҳамма-ҳаммаси фақат мана шу дугор садолари-ю кўшиқни тинглагани учун тиниб қолгандек эди”.

Мазкур лавҳада сажъ пейзаж тасвирини тиниқлаштиради. У ҳиссий бўёқдорликни орттириб, оҳанг товланишини намоён этади. Майин, унсиз, оҳиста каби сўзлар метафорик тасвирни қуюқлаштириб, табиат неъматини тимсол даражасига кўтаради. Санъат синтези қаҳрамон сезимига параллел берилиб, оламу одам яхлитлигини асослайди.

Асарда ўхшатиш санъати кузатилади:

Тўнғич чучмомалар энг аввал сукутга чўмган қабристон устида маъюс қўнғироғини чалади. Бағри қон қизғалдоқлар биринчи бўлиб мана шу ерда очилади.

Муаллиф баҳор фасли чизгиларини чучмома, лолақизғалдоқ образларида истифода айлайди. У марҳумлар диёридаги сукунатни қўнғироқ жаранги билан пардалайди. Тириклик, яшариш фалсафаси азалу абад сатҳига жамланади. Қизғалдоқ (ол, кизил) тимсолида қон сўзига ишора берилиб, бўёқ қуюқлашади. Адиб сокинлик масканидаги наботот қатламини руҳоний ҳамда дунёвий ҳақиқат ила уйғунлаштиради.

Мирқарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида ўхшатиш санъати кўлланади:

“Чўлларни қоплаган чечаклар хидидан маст бўлган баҳор шамоли дадил кадам ташлаб кетаётган йигитга тегажқлик қилаётгандек яктаги этакларидан торткилар, юзини сийпалаб, гўё қулоғига бир нарсалар деб шивирлар эди”.

Фасл шукуҳи, таровати куруқ, иссиқ маконга ҳам таъсирини ўтказди. Шамол йигитга пешвоз келиб, унинг кайфиятига монанд кўтаринкилик бахш этади. Борлиқдаги яратиклар сассиз бир-бирини тинглаб, тушунишида латиф уйғунлик юзага чиқади.

Юқоридаги қиссаларда портрет, пейзаж тасвирига аҳамият берилар экан, она замин нафосатини ёрқин бўёқда ифодалашга эришилади. Носирлар табиий манзарани тасвирлашда кўчма маъноли сўзлардан, иборадан фойдаланилгани кузатилади. Кун, фасл, бирор табиат ҳодисаси содда, аниқ баён қилинади. Пейзаж тасвирида бадиий воситалар – сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш ҳам ўринли қўлланади. Қиссаларда инсон умри, кайфиятига монанд фасл манзаралари киритилиши муаллиф бадиий ниятини англатиш, қаҳрамон ҳолатини ҳис қилдиришга қаратилади.

Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили” қиссасида сажъ қўлланади:

“Олдимда уюм-уюм китоб, дарслик; теварагимда бари яшаш учун илм олаётган кимсалар; ташқарида эса, ҳаёт аталмиш беқиёс мўъжиза: чарақлаган қуёш, тип-тиниқ осмон, топ-тоза ҳаво, кўзни қамаштирувчи атлас кўйлақлар-барно кизлар, ўйноқи фавворалар, хушнағма қушлар...”

Тасвирда жонли ҳаёт манзараси инсонун табиат ҳолатини мувофиқлаштиради. От туркумидаги сўзлар ички оҳангни ҳосил қилиб, нарсалар сифати, хусусияти ҳиссий самарани оширади. Уюшиқ бўлақлар муайян предмет, жисм, кимсалар ҳолатини образли ифодалайди. Илм толиби нигоҳида вақтни билим олишга сарфлаш бош маънавий мақсад, ҳаётдан завқланиш моддий эҳтиёж каби тушунилади.

Адибнинг “Шоирнинг тўйи” қиссасида ўхшатиш кузатилади:

“Тириклар беомон, тириклар бешафқат, ўликларга қийин, ўликлар ўзини ҳимоя қилолмайдди, улар ночор, қабрларидан туриб ёқангизга чанг сололмайдди - ҳеч курса, шуни инобатга олиб инсоф қилсак бўлмасми?!”

Муаллиф тасвир жараёнида газод (тирик, ўлик) санъатини ҳам қўллаб, фонийлик ҳамда боқийлик ҳолатини шарҳлайди. Тирик киши сийратидаги иллат даражаси марҳум руҳини ҳам безовта қилиб, одамийлик шаънига номаъқуллиги, ёлғон, сохта риё билан никобланиш жаҳолатга етаклаши асослаб берилади. Инсоннинг тубанлашувига инсофу диёнатдан маҳрумлик сабаб бўлиши эслатилади.

Ҳожиакбар Шайхоннинг “Аждодлар хотираси” қиссасида илми тибнинг микро хоссалари бобидаги мулоҳазалар савол жавоб усулида тақдим этилади:

“Сиз хойнаҳой одамнинг мияси аслини олганда кўп қаватли омбор эканлигини, унинг қаватлари шахснинг ривожланиши жараёнида информация билан тўлиб боришини эшитгандирсиз? Мазкур информация миямизга генларимиз орқали ўтади. У кодлаштирилган ва ҳозирча одамзод уни ўқишни ўрганиб улгурмаган”.

Бу лавҳалар генетика тизимидаги мураккабликлардан бохабар айлаб одам шуури, қувваи ҳофизаси, туш жараёни борасидаги имкониятдан баҳс боғлайди. Кучли зўриқиш, асабийлашиш маълум муддат киши хотирасини заифлаштириши, хотиржам онда мия тизими тиниклашиб, кишидаги қобилият,

интеллектни намоён этиши мумкин. Генетика микроорганизмнинг белги ва хусусиятини, кўникмасини, тириклик асрорини укиш илми саналади. Ирсий касаллик, хасталикка чидамлилик, биологик боғлиқлик, радиактив нурларга қаршилиқ борасидаги тилсимлар генетика фанининг асосий масаласи бўлиб, бу фантастик қисса композициясида ибтидоий ва замонавий кишининг ижтимоийлашув, маданийлашув жараёнини қамраб олган.

Тоҳир Маликнинг “Алвидо... болалиқ” қиссасида болалиқ даври манзарасида ўхшатиш санъати кузатилади:

“Болалиқ тасавури, болалиқ сурури, яшаш ҳамиша лаззатли, умр фақат ёруғликдан иборат деган тушунча болалиқ даври ҳатлаб ўтилиши билан биринчи қоронғуликка, биринчи ноҳақликка... урилиб, барча сурурларни чилпарчин қилиб юборган эди”.

Мазкур лавҳада инсон умрининг пок, мунаввар дамлари, тирикликнинг фараҳбахш даври образли ифодаланади. Болалиқ беғуборлик палласи, бахту саодат ёруғликка менгзалиб, қоронғулик зулмат ташрифидан огоҳ айлайди. Контраст тасвирда аччиқ ҳақиқатга ишора берилади. Дунёни шаффоф, нурли рангда тасаввур айлаган бола қалби илк ёвузликдан парчланади, унинг соф туйғулари поймол этилади. Айни шу ондан у улғайиб, муҳитга ўзга нигоҳ билан қарашга мослашиб боради.

“Ота-онасиз ўсаётган болаларнинг ҳаёт фалсафаси, ҳаёт ҳақидаги беимон оталар, бевафо оналар ҳақидаги тушунчалари анча барвақт шаклланади”.

Инсоннинг ёруғ дунё, бахт туйғусини тўлиқ ҳис этишида ота-она устун бўлиб, уларнинг фарзанд олдидаги вазифаси муҳим саналади. Меҳр, мурувватдан мосуво болалар қалбида аламзадалиқ куртакланади. Уларда ҳаётга муҳаббат, иштиёқ ўрнига нафрат устуворлик қилади. Тирик етимнинг кўнглидаги соғинч, армон изтиробга айланиб, имонсиз падару волидага нисбатан қаҳру ғазабни алангалатиб боради. Айни шу ибтидо бола қалбидаги эзуликни забт этиб, ёвузлик сари йўналтиради.

Муаллиф насрий матнда бадиият асослари – шеърий санъатлардан унумли фойдаланган. Насрий асарда воқеабандлик китобхон ҳаёлини қамраб олиб, уни мушоҳадага, ўйга чорлашидан диққат-эътибори моҳиятни англашга қаратилган бўлади. Вақти-вақти билан вазиятни озроқ юмшатиш, тинимсиз ишлаётган тафаккур, асабларга хузур бахш этувчи лавҳа, кўринишларни киритиш, яъни тасвир табиий реаллиги айни дамда ҳолат образлилиги ўқувчи туйғулари, сезимларига ижобий таъсир қилади. Поэтик ифодада ўхшатиш, сифатлашлар рамзий кўламдорлик, ҳиссий таъсирчанликни юзага келтириб, қиссалар бадиий, эстетик салмоғини ошираётгани аён бўлади.

Адабиётлар:

1. Аъзам Э.Кечикаётган одам –Т.:Шарқ ,2002 .
- 2.Ойбек. Болалиқ. - Т.: Ёш гвардия, 1963.
- 3.Осим М. Аждодларимиз фожеаси – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
- 4.Шайхов.Ҳ.Аждодлар хотираси –Т.:Ёш гвардия,1986.
5. Қодирий А. Обид кетмон. - Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959.
6. Ғулом Ғ. Шум бола. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1973.
7. Ҳошимов Ў. Сайланма. - Т.: Шарқ , 1993.

	бошлари ўзбек тили лексикасида форс-тожикча сўзларнинг қўлланиши	
29.	Юлдашев А. (Фарғона “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейи) Сўз илмий талқинига бир назар шакллар	252
30.	Аҳмаджонов И. (ФарДУ АЛ) Ўзбек тилидаги феълларда майл	255
31.	Тобарова Р.А. (Наманган вил. Янгиқўрғон тум. 10 мактаб) Зоонимларнинг лингвистик тадқиқи	257
32.	Номозова Ш.Р. (ФарДУ) Ҳол эргаш гапли қўшма гапларнинг матн шакллантиришдаги аҳамияти	260
33.	Saydaliyeva A.E. (Uzbekistan State World Languages University) Somatic phraseological units in the English language	261
34.	Умматалиев Б.Б. (ҚДПИ) Фонетик тизим бирликлари бўйича айрим қарашлар	263
35.	Султонова М.Л., Муродова Г.С. (ФарДУ) Ғафур Ғулом асарларида эмоционал-экспрессив сўзларнинг қўлланиши (“Шум бола” кассаси асосида)	266

7-ШЎҒБА. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИНГ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

1.	Ҳакимов М. (ФарДУ), Раҳмонов М. Тил илми ривожини йўлида (академик Ғанижон Абдурахмонов ҳақида)	269
2.	Сайфуллаева Р.Р. (НацУУз), Курбанова М.О. (ФерГУ) Национальная модель и современный учитель	272
3.	Тожибоева М. Arabism in Ubaydi's poetry poetic mission	274
4.	Расулова У. (ТошДУТАУ) Қиссачилиқдаги поэтик изланишлар	277
5.	Собирова М. (НамДУ) Ҳамкорликни йўлга қўйиш технологияси	281
6.	Умарова М. (ЎзДЖТУ) Байрон ва Чўлпон шеърини таҳлил қилиш	284
7.	Жумаева С. (ҚаршиДУ) Бадиий асарларда миллий муомала маданиятининг ифодаланиши	287
8.	Абдуллаева Г. (ФарДУ) Савод ўргатишда болалар шеърининг аҳамияти	291
9.	Абдурахмонов А.К. (ФарДУ) Фолклор намуналарини ўқитишга доир	294
10.	Юлдашева М. (ФерГУ) Психологические аспекты ораторского искусства педагога	297
11.	Ашуров Д. (НамДУ) “Алпомиш” достонида қирқ сони билан боғлиқ вақт ифодаловчиларнинг қўлланилиши	299
12.	Расулмухамедова Д. (ЎзДЖТУ) Ҳамза Имомбердиев ижодига бир назар	302
13.	Мамаджанов А., Мамаджанова Г. (ФерГУ) Повышение	304